

ЖАМЛИК СУЗВИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

17 март, жума, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 53 (1055)

ПРЕЗИДЕНТ ХУЗУРИДА УЧРАШУВ

Республика Президенти Ислам Каримов 16 март кuni Ўзбекистон Касаба уюшмалари фаолларининг бир гуруҳини қабул қилди. Давлатимиз раҳбари уларни, улар сиймосида барча меҳнаткашларни тарихий воқеа — мамлакатимиз касабаси уюшмаларининг 70 йиллик тўйи билан муборакбод этди.



СУРАТДА: учрашув пайти.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган сурат.

Биз, янги мустақил давлат барпо этилган, — деди Ислам Каримов. У ҳуқуқий, демократик, бозор иқтисодиётига асосланган давлат бўлади. Шундай экан, янги шароитда меҳнаткашлар ҳуқуқларининг ҳимоячиси бўлмиш касабаси уюшмаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ҳам ўзгариши табиийдир. Чунки жамиятда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ислоҳ қилинмоқда, давлат мулки билан бир қаторда шахсий, хусусий, ҳиссадорлик каби турли мулк шакллари қарор топмоқда.

Шундан сўнг Ислам Каримов Ўзбекистон ички ва ташқи сийосатининг асосий жиҳатлари, амалга ошириладиган ислохотларнинг моҳияти хусусида батафсил тўхталиб, Таъбиркорларни қўллаб-қувватлаш, янги мулк эгалари манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қи-

лиш касабаси уюшмаларининг ҳам бурчи эканини таъкидлади. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг раиси Ҳ. Жамолов, бир қанча тармоқ ва ҳудудий кенгашлар раислари касабаси уюшмаларининг ҳозирги фаолияти, уларнинг ол-

дида турган долзарб вазифалар, мавжуд муаммо ва камчиликлар хусусида гапирди. Учрашувда Президентнинг давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Х. Жўраев қатнашди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ XV ҚУРУЛТӨЙИ ҚАТНАШЧИЛАРИ, КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИГА

Ҳурмати қурултой қатнашчилари ва меҳмонлари, касабаси уюшмалари фаоллари ва фахрийлари! Сизларнинг қурултойингиз мамлакатимиз ижтимоий-сийсий ва иқтисодий ривожланишининг муҳим палласида ўтмоқда. Мустақил Ўзбекистонда бозор иқтисодига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этиш йўлида мамлакатнинг узига хос хусусиятлари, миллий анъаналарининг, тарихий таърибларининг мос бўлган янгилигини ва тараққиёт тамойиллари тобора чуқур томир отмоқда. Бу йил ижтимоий ларзаларсиз, аҳолининг қашшоқлашувига йўл қўймасдан амалга оширишга қаратилган учун ҳам ўз самарасини бермоқда.

Мана шу ҳаётбахш янгилигини ишларида ўз сафарида миллионлаб меҳнаткашларни бирлаштирган энг оммавий жамоат ташкилотлари — касабаси уюшмалари фаол қатнашмоқдалар. Улар меҳнаткашларни ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳолисона ҳимоя қилиш, меҳнат қонунчилигининг амалда бажарилиши қарорларига эришиш, ўз-ўзини бошқариш каби энг долзарб вазифаларни ҳал этишда иштирок қилишни уларнинг энг асосий бурчлари деб билмоқдалар ва халқимиз орасида обрў қозонмоқдалар.

Албатта, бундай олижаноб вазифаларни ушшоққили билан амалга ошириш касабаси уюшмаларидан ўттич даври шароитига мос иш услубларини эгаллашни, жаҳон касабаси уюшмалари илгор таърибисини ҳамда миллий анъаналарининг асосида ўз иш услубларини янгилашни талаб этяётгани тобора аён бўлмоқда. Ўзбекистон Касаба уюшмалари XV қурултойи ишига муваффақият тилар эканман, сизларни касабаси уюшмаларининг 70 йиллиги билан чин қалбидан табриклиман.

Ҳаммагизга сийҳат-саломатлик, бардамлик, хайрли ишларингизда гайрат ва шижоат ёр бўلسин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислам КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 16 март.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА ҚАБУЛ

1995 йил 16 март кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Со Кон Ини унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Э. Халилов ва Со Кон И Ўзбекистон Республикаси Президентини И. Каримовнинг шу йил февраль ойида Корея Республикасига қилган ташрифининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб билан таъкидлашди. Бу ташриф иккала мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш учун мустақкам замин яратди.

Корея Республикаси Миллий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўртасида парламентларо алоқалар ўрнатил ва уни янада мустақкамлаб боришдан иккала томон ҳам манфаатдор эканлиги таъкидланди.

Сўхбат илиқ, дўстона вазиятда ўтди.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА ҚАБУЛ

16 март кuni Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Далип Меҳтани қабул қилди.

Далип Меҳта Ўзбекистон Бош вазирига улўғ бобомиз Мирзо Улўғбек қаламига мансуб «Зиқи жалиди Султони Улўғбек» асарининг 500 йил аввал кучирилган қўлёзма нусхасини тақдим этди.

Ушбу китоб аллома Улўғбекнинг юдузлар илмига онд асаридан олинган фотонусха бўлиб, қўлёзманинг асли бутунги кунда Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги Салар жанг музеида сақланмоқда.

Республикамиз Бош вазири ўзбек халқининг маънавий меросига қўрсатилган ушбу юксак эътибор учун Ҳиндистон ҳукуматига миннатдорлик билдириди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнатлари, жамоат бирлашмаларининг фаолиятига қатта ҳисса қўшганликлари учун ва республикада касабаси уюшмаси ҳаракатининг 70 йиллиги муносабати билан қуйидагилар мукофотлансин:

1 ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН
МАҲМУДОВА Наима Маҳмудовна — Тиббиёт педиатрия институтини кафедрасининг мудири
РАҲИМОВ Каримжон Ҳакимович — «Чимён» санаторийсининг бош шифокори, Фарғона вилояти

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
АКБАРОВ Ҳасан Ҳўжамбердиевич — «Атлас» акционерлик бирлашмасининг уста ёрдамчиси, Наманган вилояти

БОЗОРОВ Давлат Раҳмонович — «Муборақгаз» ишлаб чиқариш бошқармаси касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Қашқадарё вилояти
ҚТАЙБЕКОВ Кенесбой — Нукус туман халқ таълими ходимлари касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

САМАТОВ Ҳосид — Ўзбекистон энергетика ва электр-техника саноати ходимлари касабаси уюшмаси марказий кўмитасининг раиси, Тошкент шаҳри

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН
ДАВЛЕТОВ Қўзи — Хоразм вилояти деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси

ЭРГАШЕВ Эркин Нормуратович — Самарқанд вилояти деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси

ИСМОИЛОВ Ҳамроқул Исоқович — «Востоклифт» қўшма корхонасининг тоқари, Самарқанд вилояти
КАРИМОВ Бозорбой — Урганч темирйўл дистанцияси кадрлар бўлимининг бошлиғи, Хоразм вилояти

ЛАШТЕНОВА Анна Ивановна — Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясини кенгаши нухса кўпайтириш цехининг бошлиғи, Тошкент шаҳри

МУҚИМОВ Моҳир Муқимович — вилоят алоқа ходимлари касабаси уюшмаси бирлашган кўмитасининг раиси, Наманган вилояти

МУРСАНИЕВА Тамаба Бабаюнова — Ўзбекистон енгил саноат ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кўмитасининг раиси, Тошкент шаҳри

РАЖАБОВ Эсонбой Ражабович — Қашқадарё вилояти касабаси уюшмалари кенгашининг раиси
РАСУЛОВ Баҳодир Саидмақсудович — Боёвут туманидаги 4-мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

САИТОВ Рубин Саитович — Наманган вилояти маҳаллий саноат ва коммунал-муночилик хизмат кўрсатиш ходимлари касабаси уюшмаси кўмитаси раисининг ўринбосари

ТАЛДИБЕКОВ Ботирбек Қўносевич — Куйчирик туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа ҳўжалиги касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Тошкент вилояти

ХУШИЕВ Ислам — Жиззах касабаси уюшмалари кенгашининг раиси
ЮДИН Виктор Петрович — Кон-металлургия комбинати марказий руда бошқармаси касабаси уюшмаси бирлашган кўмитасининг раиси, Навоий вилояти

ЁҚУБОВ Шожиржон Усмонович — Ўзбекистон қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кўмитасининг раиси, Тошкент шаҳри

ҚУЙИДАГИЛАРГА ФАХРИЙ УНВОНЛАР БЕРИЛДИ:
«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН МАДАНИЙ ХОДИМИ»
ОДИЛХОНОВ Ориф — «Сўқоқ» дам олиш уйи директори, Тошкент вилояти

СОБИТОВ Тўлқин Ҳамидович — Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясини кенгаши раисининг биринчи ўринбосари
ҲАЙРУЛЛАЕВ Шариф Камолович — касабаси уюшмалари Бухоро вилоят кенгашининг раиси
ХОМУТОВ Александр Поликарпович — Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси «Саломатлик» цехининг участка бошлиғи, Тошкент шаҳри

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»
АШУРАЛИЕВ Азизжон Мамажонович — Ўзбекистон геология, нефть ва газ саноати ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кўмитасининг раиси, Тошкент шаҳри

НАЗИРОВА Тўнахон — Марҳамат туманидаги электр-техника заводининг чилангари, Андижон вилояти
УБРАИМОВ Абдуғофир Абдукаримович — Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамлик металллар комбинати касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Тошкент вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН ТРАНСПОРТ ХОДИМИ»
ТУРДИЕВ Музапар Абдулаевич — Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясини кенгашининг шифери, Тошкент шаҳри
ҲАКИМОВ Қўчқор — Локомотив депоси касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Тошкент шаҳри

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»
АБДУЛЛАЕВА Озодхон — Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кўмитасининг раиси, Тошкент шаҳри

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН ТРЕНЕР»
МАМАТҚУЛОВА Татьяна Абдурахмоновна — олимпия резерви ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг директори, Тошкент шаҳри

ЎТАЕВ Рўзи Қўлчиевич — олимпия резерви ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг самбо кураши бўйича катта тренера, Сурхондарё вилояти

ВА ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЕРИЛГИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ:
АБДУЛЛАЕВА Юдуз Рустамовна — «Сўғдиёна» хусусий корхонасининг мураббий устаси, Хоразм вилояти

АБДУРАХИМОВ Эшмухаммад — «Бўстонсувқурилиш» трести касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Жиззах вилояти
АВЛЕЕНКО Николай Данилович — «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Тошкент вилояти

АВЛИЕКУЛОВА Дилбар Усмоновна — Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси

АЗИМОВ Акмал — Фарғона тумани халқ таълими ва илм-фан ходимлари касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Фарғона вилояти

АЙТБОВЕВ Сотимбой — Эллиқалъа тумани деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

ОТАЖОНОВ Озод — Хоразм вилояти касабаси уюшмалари кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мудири
АХРОРКУЛОВ Владимир Эсонкулович — Самарқанд шаҳар электр тармоқлари ходимлари касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси

БОТИРОВ Мамажон — Бешарик тумани соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Фарғона вилояти

БРАЖИНА Светлана Петровна — Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясини кенгаши машинка ёзувхонасининг мудираси, Тошкент шаҳри

ВУКОЛОВ Юрий Павлович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига қарашли 243-корхона касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Тошкент шаҳри

ҒАФУРОВ Рустам Тўлқибич — Навоий туманидаги «Зарафшон» жамоа ҳўжалиги касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Навоий вилояти

ҒИБСОВ Ниёт — Шофиркон туманидаги «Ҳайдаробод» жамоа ҳўжалиги касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Бухоро вилояти
ЕФРЕМОВ Борис Владимирович — касабаси уюшмалари Тошкент шаҳар кенгаши раисининг ўринбосари

ЖАРОВА Надежда Яковлевна — Тошкент шаҳар қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ходимлари касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси

ЖУРАВЛЕВА Вера Амоновна — Самарқанд вилояти ижара, қўшма, хуеуени ва кичик корхоналар ходимлари касабаси уюшмаси кенгашининг раиси
ИБРОҲИМОВ Маъмуржон Норқозиевич — Янгиёул шаҳридаги 2503-автоколонна касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Тошкент вилояти
ИБРОҲИМОВ Фазилдин — Наманган вилояти деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси кўмитасининг бўлим мудири
КАРИМОВ Ибодулло Очилович — «Бухоротеқст» акционерлик

жамияти касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Бухоро вилояти
ҚИЁМОВ Нарзулло — Қизилқум туманидаги «Кунчиқир» жамоа ҳўжалиги касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Сурхондарё вилояти

ҚОСИМОВ Нейматулла Тешабоевич — Ўзбекистон Кимё саноати тармоқлари ходимлари касабаси уюшмаси марказий кўмитасининг раиси

МАМАЖОНОВ Мўминжон — Оқунбобоев туманидаги Навоий номи жамоа ҳўжалиги бригада бошлиғи, Фарғона вилояти
МАМАДАЛИЕВ Умматалли — Ҳўжабод тумани савдо ходимлари бирлашган касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Андижон вилояти

МАБРУФХўЖАЕВ Ҳасан Носирович — «Оникс» акционерлик жамияти касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Тошкент шаҳри
МИРЗАЕВ Хурраид Мирзаевич — Денос шаҳар халқ таълими ходимлари касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Сурхондарё вилояти

НАЗАРЖОНОВ Тоҳир — Ўзбекистон алоқа ходимлари касабаси уюшмаси марказий кўмитасининг раиси, Тошкент шаҳри
НОДИРОВ Ражаб — Жомбой туман ҳокимлигининг бўлим мудири, Самарқанд вилояти

НУРИМБЕТОВ Алаёр — Ҳўжалик таксомот корхонаси касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

НУРУЛЛАЕВ Кенесбой Қўрбонбоевич — Қўнғирот туманидаги марказий касалхона касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

ПАРДАЕВ Чори Турдиевич — Ғузор туманидаги марказий касалхона бош шифокорининг ўринбосари, Қашқадарё вилояти
ПОШШОХўЖАЕВА Тўлқиной — 62-мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

ПРИМОВ Раҳмат — Касби туманидаги Шароф Рашидов номи кооператив-жамоа ҳўжалигининг бригада бошлиғи, Қашқадарё вилояти

РАҲИМОВ Аҳмад Илҳомович — Ўзбекистон маҳаллий саноат ва коммуналмуночилик хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касабаси уюшмаси марказий кўмитасининг раиси, Тошкент шаҳри
СОБИРОВ Каримбой — Янгиарик тумани халқ таълими ходимлари касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Хоразм вилояти

СУЛТОНОВ Аскаралли — Ўзбекистон халқ таълими ва илм-фан ходимлари касабаси уюшмаси марказий кўмитаси раисининг ўринбосари, Тошкент шаҳри

ТОҲИРОВ Ҳикमतжон — Ўзбекистон автомобиль транспорти ва тош йўллар ходимлари касабаси уюшмаси марказий кўмитасининг бўлим мудири, Тошкент шаҳри

ЎРМОНОВ Вил Абдулаевич — Тошкент вилояти халқ таълими ва илм-фан ходимлари касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси
ҲАЙДАРОВА Насиба Пайгомона — Гулистон зотли паррандачилик акционер ҳўжалигининг паррандабўқари, Сирдарё вилояти

ҲАМРОЕВ Рустам Раҳматович — Ўзбекистон давлат телерадиокомпанияси касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Тошкент шаҳри

ХОЛМУРОВОВ Қўсоғат Эшқўрбоневич — «Хўжайкон» туз қони касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Сурхондарё вилояти
ХУДОЙБЕРДИЕВА Муяссар — Самарқанд вилояти савдо, малтулот кооперацияси ва умумий оқватланиш ходимлари касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси

ШОДИЕВА Мариям Бахриддиновна — пенсионер, Самарқанд вилояти

ШОИМОВ Йўлдош — Яккабоғ тумани деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Қашқадарё вилояти

ШЕҒАЙ Раиса Семеновна — Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясини кенгаши ижтимоий суғурта ва соғломлаштириш бўлимининг маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри
ЭРГАШЕВ Шодмонали — Избоскан тумани халқ таълими ходимлари касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Андижон вилояти

ЮСУПОВ Толип Юсупович — Ўзбекистон деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси марказий кўмитасининг меҳнат бош техник инспектори, Тошкент шаҳри
ЮСУПОВА Зарина Мўминовна — «Санитар» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 16 март.

ЧОРВАЧИЛИК РИВОЖИ — ТАДБИРКОРЛИКДА

Республикамиз Президенти Ислам Каримов ҳамisha таъкидлаб келганидек, деҳхон тўқ бўлса юрт бадавлат бўлади. Деҳқоннинг ҳам, чорвардор фермернинг ҳам нияти холис: эл-юрт дастурхонини турли ноз-неъматларга сероб этишдан иборат.

16 март кuni Тошкентда агросаноат мажмуи ходимларининг чорвачилик соҳасини ривожлантиришга бағишланган республика кенгашида ана шу фикр яна таъкидланди. Унда соҳага таалуқли вазирилик ва идоралар, деҳхон (фермер) ҳўжалиқларининг раҳбарлари, илгор чорвадор, олим ва мутахассислар иштирок этди.

Йилгилиши Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўраевнинг бошқаришида, Қишлоқ ҳўжалик вазири Р. Ҳусанов мамлакатимиз чорвадорлари олдида турган долзарб вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Мажлисида таъкидландики, республикамизда аҳоли эҳтиёжини қондиришдан чорва маҳсулотларининг асосий қисмини ўзимизда ишлаб чиқариш борасида изчил иш олиб боришмоқда.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг 9,7 фоиз давлатга қарашли бўлмаган тармоқ ҳиссасига тўғри келаётгани, Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга йўл олаётган тадбирларнинг нечоғли тўғри эканлиги кенгаш қатнашчилари томонидан яна бир қарра эътироф этилди. Вазирлар Маҳкамасининг «Чорвачиликда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги кенгаш иштирокидаги муҳомадасига тақдим этилган қарор лойиҳаси ҳам шубҳасиз чорвачилик истиқболи учун хизмат қилади.

Ҳисоб-китобларга қараганда, ўтган йили республика бўйича 800 минг тонна гўш, 3690 минг тонна сўт, 1,6 миллиард донна туҳум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Айни пайтда чорвачиликда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳар қанчондиган ҳам долзарб вазифа бўлиб турибди. Бу йилда дастлабки қадамлар қўйилди: ўтган йили 1499 корамол фермаси шахсий қилиб берилиб, улар 193 минг гектар ер билан ташминланди.

Кенгаш қатнашчилари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, пахта, галла каби бу жаҳда ҳам мустақилликка эришиш йўлларини муҳоама қилдилар.

Анжуманда республика Президенти Фармонида мувофиқ фахрий унвон билан тақдирланган чорвадорларга юксак мукофотлар топирилди.

Кенгаш қатнашчилари республика Олий Мажлиси биринчи сессияси қарорларини ҳаётга таъдиқ этиш, Президентимизнинг сессиядаги маърузасида баён этилган вазифаларни изчиллик билан бажариши, 26 март кuni бўлидиган республика Референдумида фаол иштирок этиш ҳақида эл дастурхонини янада тўқин қилишдек шарафли иш амалга ошириш юзасидан мамлакат чорвадорларига мууроажатнома қўйди.

26 МАРТ - УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

ҲАМЖИҲАТЛИК АСОСИДА

Қашқадарё вилояти аҳолиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида республика Президентини ваколатини 2000 йилгача узайтириш тўғрисида умумхалқ Референдуми ўтказиш ҳақидаги қарорини қизғин қарши олади.

Округ комиссиясининг иши қай йўналишда ташкил этилмоқда?

— Вилотинида умумхалқ Референдумини ўтказиш билан боғлиқ барча ишларга округ комиссияси раҳбарлик қилаётган. Вилот, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуринда Референдумни ўтказишга қўмаклашувчи ишчи гуруҳлари тузилади.

партияларнинг вакиллари, маҳалла ва жамоат ташкилотлари фаоллари иштирок этиди. Улар умумхалқ Референдумига тайёргарлик, уни ўтказишга бағишланган тадбирлар билан таништириди, олимлар, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг чиқишлари уюштирилди.

Шунингдек, вилоят бўйича ҳам участка сайлов комиссиялари раислари, раис ўринбосарлари, қишлоқ ва маҳаллалар йиғини фаоллари иштирокда кўргазмали кенгаш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида

«Ҳақ сўзи» мухбири. — Бу борадаги энг қийин юмушлардан бири Референдумда қатнашадиган фуқароларни рўйхатга олишдир. Биз ана шу масалада, асосан, маҳалла фаоллари, қишлоқ фуқаролар йиғини кўмағига таяниб иш кўраймиз.

Ҳаммадан аввало маҳалла ва кўчалардаги ҳақ сўзчиларнинг ҳақ сўзи билан таништириш мақсадида атрофда муҳоказма қилинди.

Референдумни ўтказишга бағишланган тадбирлар билан неча кўргазмали кенгашлар ўтказиш билангина қаноатланмайди, айнан йўқ. Округ комиссиясининг йиғилишларида ҳам бу масалаларга алоқадорлик билан баҳарлашди.

Вилоятимизнинг турли чеккаларида Наврўз умумхалқ бағирлари бағишланган тадбирлар ташкил этилди. Ҳақ сўзчиларнинг ҳақ сўзи билан таништириш мақсадида атрофда муҳоказма қилинди.

Пўлат ГАДОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

лар белгилаб олинди. — Бундан икки ой муқаддам Республика Олий Мажлиси ҳамда Маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтган эди. Бу билан сизларда ҳар қалай тажриба бор, демократия. У Референдумга тайёргарлик борасида ҳам астойдил бўлса керак-а?

— Бу борадаги энг қийин юмушлардан бири Референдумда қатнашадиган фуқароларни рўйхатга олишдир. Биз ана шу масалада, асосан, маҳалла фаоллари, қишлоқ фуқаролар йиғини кўмағига таяниб иш кўраймиз.

Ҳаммадан аввало маҳалла ва кўчалардаги ҳақ сўзчиларнинг ҳақ сўзи билан таништириш мақсадида атрофда муҳоказма қилинди.

Референдумни ўтказишга бағишланган тадбирлар билан неча кўргазмали кенгашлар ўтказиш билангина қаноатланмайди, айнан йўқ. Округ комиссиясининг йиғилишларида ҳам бу масалаларга алоқадорлик билан баҳарлашди.

Вилоятимизнинг турли чеккаларида Наврўз умумхалқ бағирлари бағишланган тадбирлар ташкил этилди. Ҳақ сўзчиларнинг ҳақ сўзи билан таништириш мақсадида атрофда муҳоказма қилинди.

Ҳаммадан аввало маҳалла ва кўчалардаги ҳақ сўзчиларнинг ҳақ сўзи билан таништириш мақсадида атрофда муҳоказма қилинди.

Пўлат ГАДОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Тошкентдаги Бельков номидаги республика бадий билим юрти ўқитувчи ва талабалари Ўзбекистон Президентини ваколатини 2000-йилгача узайтириш борасида ўтказиладиган умумхалқ Референдумга қизғин тайёргарлик кўришяпти.

Р. ШАҒАЕВ олган сурат.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида «Ҳақ сўзи» мухбири. — Бу борадаги энг қийин юмушлардан бири Референдумда қатнашадиган фуқароларни рўйхатга олишдир.

Ҳаммадан аввало маҳалла ва кўчалардаги ҳақ сўзчиларнинг ҳақ сўзи билан таништириш мақсадида атрофда муҳоказма қилинди.

Вилоятимизнинг турли чеккаларида Наврўз умумхалқ бағирлари бағишланган тадбирлар ташкил этилди. Ҳақ сўзчиларнинг ҳақ сўзи билан таништириш мақсадида атрофда муҳоказма қилинди.

Пўлат ГАДОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ингилишда корпорация илмий-техника бошқармаси бошлигининг ўринбосари Ю. Кванников, йўловчи ташвиш бош бошқармасининг бошлиғи А. Азимов, бош иқтисодий бошқарма бошлигининг ўринбосари Г. Магай ва бошқалар Ўзбекистон Олий Мажлиси қарорини кўтаринки рўқда қарши олингани, қўллаб қорғошга ташкилотларда ўтаётган митинг ҳамда йиғилишларда тула маълумлаштириш ҳақида гапирди, барча аҳолининг 26 март куни бўлиб ўтадиган Референдумда фаол қатнашишга даъват этилди.

Ҳаммадан аввало маҳалла ва кўчалардаги ҳақ сўзчиларнинг ҳақ сўзи билан таништириш мақсадида атрофда муҳоказма қилинди.

Пўлат ГАДОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тўйхат ўрнида

ЗАҲМАТ ПИЛАПОЯЛАРИ

Илм-фан соҳасида шундай инсонлар борки, улар ўзлари талланган йўлдан соғинадилар ва бориб, муттасили, инсониятнинг ҳақ сўзи бўлиб қолади, юксак қўқчалари эгаллашган муассар бўладилар ва ана шу юксакликдан туриб ўзларига раҳимоналик қиладилар, маърифат улашадилар.

М. Аскарнова нафақат ўзбек тилшунослигига, балки туркшуносликка ҳам алоқадор бўлиб, улар М. Закиев, М. Балакаев, Есенов, Нурмахонова каби машҳур ва таниқли олимлар томонидан эътибор қилинган. Бундай илмий ишлар сирасига олиманг «Болговичинис болганган қўша гаплар» (1955), «Сабаб ва мақсад эргаш гапли қўша гаплар» (1957), «Аниқловчи эргаш гап» (1959), «Ҳозирги ўзбек тилида қўша гаплар» (1961), «Эргаштирувчи болговичининг қўлашилганга доир» (1992), «Эргашган қўша гап таркибида нисбий сўзларнинг қўлашилганга» (1964) монография ва рисолавини кiritиши мумкин.

М. Аскарнова Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда ўрта мактаблар учун дарслик ва қўлашмаларнинг муаллифи сифатида барча таълим босқичларида ўзбек тилининг ўқитишга улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Айниқса, ўзбек тилига давлат мактаби беришнинг, миллий мактаб муаммоси билан жиддий шугулланиди. Мактаблар учун дарслик, услубий қўлашмаларини миллий руҳиятимизга, давр руҳига мослаштиришга ҳаракат қилди.

Олимнинг фанимиз ва маорифимиз соҳасидаги хизматларини илмий жамоатчилик юксак қадрлайди, чунки у республикамизда илмий даражаги мутахассислар тайёрлашда яқиндан қатнашиб келмоқда. У 60-йиллардан бери Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институти қўшидаги филология бўйича докторлик илмий даражасини берувчи кенгаш аъзоси, Нисомий номидаги ДТДИ қўшидаги педагогика назарияси, тарихи ҳамда хусусий методикадан фан доктори илмий даражасини берувчи кенгаш раиси ва аъзосидир. Опанинг бевосита раҳбарлигида 10 та докторлик, 30 дан ортиқ номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Улар Тошкент, Самарқанд ва бошқа вилоятларда, Марказий Осиё мамлакатларида муваффақият билан ёшларга таълим бермоқда, илмий фаолият кўрсатмоқдалар.

Ўзбек филологияси ва методикаси бўйича 170 дан ортиқ номда илмий методик иш эълон қилган ва миллий қадрлар этиштиришда филолидик кўрсатиб келётган Мазлума опа Аскарнованинг хизматларини республикамиз ҳукумати муносиб тақдирлаб келди. У ЎзССР Олий Совети президиуми (1965, 1985), Маориф вазирлигининг (1972, 1974, 1975) Фахрий ёрликлари билан мукофотланган. Мазлума опа «Хурмат белгиси» ордени, «Шуҳрат» медали нишондоридир.

Ўзбекистон истиқлол йўлида оғинишай, дадил одимлаётган бир даврда муборак 70 ёшли Мазлума опа ҳам иждоий етуклик, илмда ташаббускорлик билан, ёш авлодини истиқлолга салокат руҳида тарбиялашга қаратилган куч-ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

Самихон АШИРБЕКОВ, Хамиджон ҲОМИДОВ, филология фанлари докторлари.

Ҳуқуқий ислохот

Ёшлар тарбияси — долзарб муаммолардан ҳисобланади. Болалар оила ва ота-оналаринингизга эмас, давлатимизнинг ҳам келажакдир. Шу бос мамлакатимизда бу масалага алоҳида эътибор берилмоқда.

Давлатимизнинг илк ҳуқуқий ҳужжатлари «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонунлар эканлиги бежиз эмас. Уларда тарбиявий омилар билан бир қаторда улумий жамиятчиликка қарши кураш, жумладан, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш муҳим ўрин тутган.

Этиборнинг натижаси ўларок кейинги бир ярим йил мобайнида нафақат умумий жинойтчилик, балки ўсимирлар орасидаги жинойтчиликнинг ҳам сезиларли камайиши қайд этилмоқда.

Жумладан, ўтган йилнинг 9 ойи бўйича ёшлар жинойтчилиги 11,3 фоизга камайди. Аммо бу ҳали етилмаган муаммолар, ҳал этилмаган тўсиқлар йўқ, деган гап эмас. Вояга етмаганлар орасида оғир турдаги жинойтлар, шу жумладан, одам ўлдириб, тан жароҳати етказиб, ва безориликка содир этиш ҳолатлари ҳақида камаймаган. Жинойтчилик орасида ўрта мактаб ва ҳунар-техника билим юрти талабалари қўчқилини ташкил этмоқда. Бундан ташқари, жинойтчиликнинг қариб ярми 16 ёшдан бошлаб ҳеч қерда ўқимайдиган ва ишламайдиганлардир.

Бу нимани билдиради? Ўқувчи-ёшлар орасида тарбиявий ишларни қулайтириш керак. Биз ҳаммаимиз бу тизимда ўзгариш бўлишидан маънафатдоримиз. Бунинг учун тарбиявий жараёни бошқариш методикаси устида мактаб, ҳунар-техника билим юрти, маҳалла ва туманларда сидқидилдан иш олиб бориш зарур. Бу ўз ичидан тарбияси бузила бошлаганларни аниқлашдан тортиб, характери оғир ўсимирлар билан иш олиб боришнинг

шакл ва услубларини қамраб олади. Эзлик билан ҳал этиш лозим бўлган ана бир муаммо бор. Бу ўсимирни мактабдан сўнг

АХВОЛНИНГ ҚАЛАЙ, УСМИР?

ижтимоий-фойдали меҳнат билан банд этиш масаласидир. Айрим қорхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ўсимирлар меҳнатидан фойдаланишни истамаётдилар тўғрисида улар йигит-қизларни ўқитиб-ўргатиш учун кетадиган сарф-ҳаражатдан қочмоқдалар. Ақлий ривожланишдан орқда қолган ўсимирлар билан ишлайдиган қорхоналар эса ҳали ҳам белгиланганича йўқ.

Ваҳоланки ёшларнинг узоқ вақт ижтимоий-фойдали меҳнат билан банд бўлмаслиги қонунбузарликларнинг кўпайишига олиб келади. Республика ички ишлар органлари томонидан 1993 ва ўтган йилнинг 9 ойи мобайнида ўтказилган турли тадбирлар натижасида ҳеч қерда ишламайдиган ва ўқимайдиган бир неча миң ўсимир аниқланган. Уларнинг қариб ярми иш жойи билан таъминланган ёки ўқини давом эттириш учун мактабларга жойлаштирилди. Статистика маълумотларига кўра, 1993 йилда иш билан банд бўлмаган ёшларнинг 21 фоизини қайд этилган ҳолат.

Ўтган йили ўрта мактабнинг 9, 11-синфларини тамомлаган ўқувчиларнинг анчагинаси ҳозирга қадар ҳеч қерга ишга киролмай юрибди. Улар қўпроқ Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм ва Фарғона вилоятлари

даги ўсимирлардир. Айни вақтда республиканинг қорхона ва ташкилотларидан олинган хабарларга кўра, уларда жами бўлиб, 41,463 иш ўрни бўш бўлган. Ўтган йилнинг 9 ойи мобайнида республиканинг қорхона ва ташкилотларига ишга жойлаштириш учун 1197 нафар вояга етмаган ўсимир ариза билан мурожаат қилгани ҳолда улардан 579 нафарига ишга қабул қилинган. Ҳўш, шундай бўлгач, қолган

разм, Андижон ва Сирдарё вилоятларида ҳам мавжуд. Бу ҳудудлардаги кўпгина ўсимирлар фақатгина таниш-билиш орқалигина ишга жойлашганлар. Ҳўш, ана шу ҳаракатимиз билан биз уларни заҳарлаб қўймадикми? Эртага ёшлар биз ўғирлик курсига ўтиргач, улардан адолати қандай талаб қиламиз? Биз катталар, жамоатчилик вакиллари, ота-оналар ўз тарбиямига ҳам жиддий назар солишимиз керак, токи бизлардан ўрнак олаётган фарзандларимиз сай-амалларимизда нуқсон кўрмайсин, гапимиз билан ишимиз бир бўлсин. Аммо баъзан айтган гапимиз қилган амалларимизга тўғри келмай қолаётди.

Наманган вилоят Тўрақўрғон туманининг ишга жойлаштириш бўлими бошлиғи Н. Жақбаралиев ва мутахассис А. Бойматовлар ана шундайлар хилдан чиқиб қолди. Улар ўз ҳисоботларида ўтган йилнинг 7 ойи бўйича 121 нафар ўсимир ишга жойлаштирилди, деб кўрсатганлар. Бироқ йигит-қизлар умуман иш билан таъминланмаганлар. Шахрисабз шаҳридаги А. Жомий ва Амир Темур номи мактаб маъмурияти «Ҳужум» бандий буюмлар фабрикасида 11-синфни битирувчилардан А. Зоирова, Т. Очилова, М. Саломова, Ш. Норова, А. Мураловлар ишга жойлаштирилган, деб маълумот беришган. Аниқланишича, бу ўсимирлар ушбу фабрикада ишламаётганликлари маълум бўлди.

Ҳаммаимиз фарзандлар тарбияси, келажак ташвиши билан яшаймиш. Бизнинг жигаргушларимиз мустақил, овоз республикамизнинг келажаги, тарихини яратувчи кишилардир. Шунинг учун ҳам айнан бугун уларга яхши тарбия, билим беришимиз шарт. Бу жамият, оила олдидаги масъулиятимиз ва бурчимиздир.

Б. ЖҲРАЕВ, Н. ШАЙХОВ, Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг масъул ходимлари.



ЯҚИН ШАРҚНИНГ ЭНГ КЎЗГА КЎРИНГАН СИЁСИЙ АРБОБИ

Миср ва бошқа Араб давлатларида ўтказилган жамоатчилик фикрини ўрганиш тадбири натижасида Президент Хусний Муборак 1994 йилдаги энг кўзга кўринган сиёсий арбоб деб топилди.

Сўров давомида 4 миллион кишининг фикри ўрганилган. Улар Миср Президентини Хусний Муборакнинг Яқин Шарқда барқарор тинчлик ўрнатишга қўшган ҳиссасини юқори баҳолаган. Шунингдек, унинг Араб давлатлари ўртасидаги ўзаро ва халқаро алоқаларни янги босқичга кўтаришга муҳим ўрин тутгани ҳамда араб дунёси муаммоларига ўта эътибор билан қаратгани ҳам эътироф этилган.

ХОРИЖИЙ САРМОЯ КЎПАЙДИ

Ҳиндистоннинг валюта захираси 19 миллиард АҚШ доллари миқдорига етди.

Мамлакат мустақиллики кўлга киритганидан бўён биринчи марта бундай юқори кўрсаткичга эришган. Бу ҳақда Хиндистоннинг савдо бўйича давлат вазири П. Чидамбарам баёнот берди. Унинг таъкидлашича, ҳукумат 1991 йили мамлакатга 6,3 миллиард долларлик хорижий сармоя киритиш лойиҳасини тасдиқлаган эди. Шу пайтгача лойиҳаларнинг 20 фоизи ҳаётга татбиқ этилган.

КЕНГАШ КЕЧИҚТИРИЛДИ

Миттақавий ҳамкорлик бўйича Жанубий Осиё ассоциацияси (МХЖОА)нинг шу йил апрель ойида белгилаган сазкичинчи кенгаши Покистон давлати таклифи билан кечиктирилди.

Кенгаш май ойининг бошида Хиндистоннинг янги Деҳли шаҳрида ўтказилди. Маълумки, ушбу ассоциацияга минтақадаги етти давлат аъзодир. Айни пайтда ташкилотга Бангладеш бош вазири Хотида Зиё Хоним раислик қилмоқда.

ЧЕКИШ ТАҚИҚЛАНДИ

Шу йил 1 мартдан Австралия ва Шимолий Америка орқалида қатнайдиган самолётларда чеккиш мутлақо ман этилди.

1996 йилнинг 1 июлидан бошлаб эса Австралиянинг барча халқаро авиайўналишларида йўловчиларга парвоз давомида чеккиш тақиқланди. Мамлакатнинг Транспорт федерал вазирилиги шунини маълум қилди. Австралиянинг маҳаллий авиайўналишларида 1987 йилдан бўён чеккиш ман этилган.

ҲАМ БАЙРАМ ҲАМ ДАРОМАД

Қиодо Цусин ахборот маҳкамасининг ҳабор беришича, КХДРда шу йил апрелда йирик халқаро спорт фестивали ўтказилди.

Мамлакат пойтахти Пхеньянда 15 миң нафар хорижлик сайёҳларни кутиб олишга тайёргарлик бормоқда. Шимолий Корея мутахассисларининг тахминича, меҳмонларга кўрсатилган хизмат натижасида 10 миллион доллар фойда кўриш мумкин.

ҲИНДИСТОН ЗАМИНИДА

Ҳиндистон пойтахтида Туркменистон Республикасининг элчихонаси очилди.

Шу пайтгача бу Хиндистонда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлардан Россия Федерацияси, Ўзбекистон, Украина, Қозғистон ва Қирғизистон элчихоналари фаолият кўрсатётган эди.

ЯНГИ КОТИБ

Тележурналист, Сергей Медведев Россия Федерацияси Президентининг матбуот котиби этиб тайинланди.

Давлат раҳбари Борис Ельцин 14 март куни шу ҳақдаги фармонга имзо чекди. Аввал ушбу лавозимда ишлаган В. Костиков эса тез орада Россиянинг Ватикандаги элчиси этиб тайинланади, деб хабар беради РТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

ИҚТИСОДИЙ ЖАЗО ЧОРАЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНМАДИ

БМТ Хавфсизлик кенгаши Ироққа нисбатан қўлашмаётган иқтисодий жазо чораларини яна давом эттиришга қарор қилди.

Хавфсизлик кенгаши мажлисида АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Мадлен Олбрайт, Ироқ БМТ қабул қилинган резолюцияларга тула амал қилсагина, унга нисбатан қўлашмаётган иқтисодий жазо чораларини юмшатиш масаласи кўриб чиқиши мумкин, деб таъкидлади.

ПОЛИЦИЯ ФУТБОЛЧИНИ ҚАМОҚҚА ОЛДИ

Англия полицияси «Саутгемптон» футбол жамоасининг дарвозабони зимбавелик Брюс Гроббеларни ҳибса олди.

Полиция вакили берган маълумотга кўра, Гроббеллар рақиб жамоалари билан келишган ҳолда ўз дарвозасидан бир неча бор тўп ўтказиб юборганлиқда айбланмоқда.

Республика Ички ишлар вазири раҳбарлиги ва Фахрийлар кенгаши уруш қатнашчиси, республика Журналистлар уюмчаси аъзоси, ИИВ Фахрийлар кенгаши комиссияси раисининг ўринбосари, истефодаги милиция полковниги Николай Васильевичи билан унинг оила аъзоларига ва қариндoshi уруларини чўқур таълим изҳор қилди.

Ўзбекистон «Маҳалла» ҳайрият жағмармаси бошқаруви Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани, «Аброр Ҳидоят» маҳалла оқсоқоли Тўлқин ИСМОИЛОВнинг бевек вафот этганини муносабати билан унинг оила аъзоларига чўқур таълим изҳор қилди.

Тошкент Архитектура-қурилиш институти жамоаси институти «Фалсафа ва социология» кафедраси катта ўқитувчиси Элеонора Қодировага отаси Рашид ҚОДИРОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таълим изҳор этди.

Тошкентдаги омборхонадан товарлар сотади:

- 1. Электрон ҳисоблаш машинаси IBM 386 DX/387, 40, 4, 170-420, SVGA /0,28/;
2. Принтер EPSON FX-1000.

Манзилгоҳимиз:

Тошкент, Академиклар шаҳарчаси, Ф. Ҳўжаев кўчаси, 31, 33-үй.
Тел. 62-74-86, 69-95-82.

YAMANA - ASIA

"Ямаха" мусиқа асбоблари ва товуш ускуналари - биринчи қўлда!
Кафолат муддати - 1 йил

PSR-510; W5; PSR-SQ16; W7.

Нақд ва ниц ўтказиш йўли билан сўзга сотилади.
Тел.: 53-48-71, 53-10-43.

Жисмоний ва ҳуқуқий шахслар лиққатига!

"Хўсусийлаштириш миллий инвестиция жағмармаси" томонидан Ўзбекистон Республикаси етакчи акционерлик жамяятларининг акциялари таклиф қилинади.
Акционерлик жамяятлари акцияларини сотиб олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин:

Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 24, 301-хона.

(Яқинбадан ташқари ҳар куни соат 9 дан 18 гача).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига

биринчи тоифадаги муҳандис-дастурчилар керак.

Номзодлардан қуйидагилар талаб этилади:
- махсус олий маълумот;
- мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган иш даври;

Ишга қабул қилиш танлов асосида бўлади.

Мурожаат учун телефонлар:
33-05-61, 33-70-38, 33-60-88.

• Соғлом авлод учун

Она қорни бола учун 9 ой 9 кун мобайнида ўзига хос муҳит вазифасини ўтайди. Ана шу дунёнинг «қонун-қоидалари»га ўралиб қолган бола туғилиши билан ўзига номалум «қаршилиқ», яъни иккинчи бир дунё билан тўқнашади. Бундай ҳолда қандай тиббий тадбирлар қўлланилади? Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли педиатрия илмий-текшириш институти неонатология бўлимининг илмий раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Матлуба Азимжоновна билан суҳбатимиз ана шу ҳақда.

— Боланинг соғлом туғилиши учун ҳомиладорликнинг биринчи кунларидан бошлаб тайёргарлик кўриш даркор. Бу асосан аёллар маслаҳатхонаси ва пренатал марказлар зиммасига юклатилган. Пре-

тунги кунда Тошкент, Андижон, Термиз ва Бухоро шаҳарларида 420 ўринли неонатал марказлар ишлаб турибди. Кўпгина вилоят марказларида эса неонатологик ўринлар ихтисослаштирилган бўлиб, янги

ўринлар танқис.

— Институтигизда Олий маълумотли шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари учун республика илғор тажриба мактаби ишламоқда экан. Жамоа фаолияти ва «Кенгуру» усули ҳақида гапириб берсангиз.

— Умуман, институтда янги туғилган чақалоқлар, ой-кунни тўлмайдиган болалар бўлимида ишони ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизматни такомиллаштириш ҳамда мутахассислар сонини ўстириш бўйича анча ишлар амалга оширилди. Илғор тажриба

машишининг тезлашуви қайд этилди. Она ва боланинг бирга бўлиши, чақалоққа барвақт (дастлабки соатлардаёқ) кўкрак тутилиши ва уларни ҳар 3 соатда эмас, балки исталган вақтда эмизич мақсадга мувофиқдир. Бундай тиббий ва ташкилий тадбирлар янги туғилган чақалоқнинг касалланиши ва нобуд бўлишини бирмунча камайитиришга имкон беради.

— Кейинги пайтларда аёлниг уйда кўз ёришини истовчилар ҳам кўпайиб қолди. Бунга нима дейсиз? — Ҳар бир аёл туғруқ

сусан, ой-кунни тўлмайдиган туғилганлар учун 380 ўринли 22 та бўлим, марказий туман касалхоналарида 532 ўринли палаталар мавжуд. Умумий ўринлар сони 2452 та. Уни янада кўпайтириш керак. Иккинчидан, ҳар бир шифокор инсоф билан ишласа. Қишлоқ врачлик амбулаторияларида, фельдшер-акушерлик пунктларида ҳамшираларнинг эмлаш соҳасидаги ишини болалар шифокори мунтазам назорат қилиб бора. Ноқулай экологик шароитлар аёл организмнинг генетик ҳолатини бузмаса, чала туғилиш кўрсаткичи пасайса ва шунга даҳлдор ихтисослашган кабинетлар, бўлимлар очиш масаласи пайсалга солинамаса... Орзу-умидларим ҳам йўқ эмас. Мана, Президентимиз ташаббуси билан «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва муассасалари аҳолига юқори сифатли замонавий тиббий хизмат кўрсатиш ҳақида қайғурмоқда. Мустақиллик тиббиётда ҳам ижобий ўзгаришлар қилишига ишонаман.

— Шифокор аёл сифатида аёлларга нималар дейишни истардингиз?

— Юрагимнинг қат-қатларида очилиб турувчи атиргулларим, қизилгулларим, хушбўй райхонларим, сунбулларим. Аввало, ўзингизни асранг. Шифокорларга вақтида муурожаат қилинг. Соғлом бола туғиш, энг биринчи навбатда, сизнинг сихат-саломатлигингизга боғлиқ эканлигини унутманг. Ҳеч бирингизни тирноққа зор қилмасин. Ўзингиздан кўпайиб юргангизни кўрсам хурсанд бўламан.

«Халқ сўзи» мухбири Г. ХУСАНОВА суҳбатлашди.



**ЧАҚАЛОҚЛАРНИ
ЎРГАНУВЧИ
ФАН**

натал сўзи ҳомиладорлик бошланган кундан чақалоқ туғилиб 8 кунлик бўлгунча бажариладиган тиббий хизмат маъносини англатади. Афсуски, пренатал марказлар барча вилоятларда ҳам мавжуд эмас. Бу эса, чақалоқ туғилиши, айниқса ой-кунни тўлмаган бўлса, она ва бола учун турли асоратлар қолдириши, баъзан кўнгилсиз ҳолатларга ҳам олиб бориши мумкин. Бир амаллаб туғдириб ҳам олдик, дейлик. Бўёги энди неонатолог шифокорнинг билими ва тажрибасига боғлиқ.

— Неонатолог сўзини кенгроқ шарҳлаб берсангиз. — Бола туғилгандан 28 кунгача бўлган вақт чақалоқлик даври дейилади. Неонатолог — чақалоқлар шифокори демакдир. Бу-

туғилган болаларда жароҳлик, руҳий, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар патологияси бўлими очилган.

Кейинги икки йил ичида малакали чақалоқлар шифокорини тайёрлашда сезиларли силжишлар бўлди. Ҳозирги кунда улар Ўзбекистонда 378 нафардир. Шулардан 175 таси болалар касалхоналари ва чақалоқлар патологияси бўлимида ҳаётга таҳдид соладиган ҳолатларнинг олдини олиб ишлашапти. Айни пайтда чала туғилган ва хасталанган чақалоқларга кўрсатилаётган тиббий хизмат камчиликлардан ҳоли эмас. Қорақалпоғистон Республикасида, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида чақалоқлар учун

мактаби эса, 1994 йилдан бошлаб тиббиётга аҳволи оғир ва ой-кунни тўлмайдиган туғилган чақалоқларни алоҳида боқиш ва парвариллашда ўзини оқлаган «Кенгуру» усулини тақдим этди. Аслида бу ишни 1983 йилда бошлагандик. Мазкур усулга кўра, она заиф ва чала туғилган чақалоқни яланғоч ҳолатда 1-2 соатдан бағрига маҳкам босиб ўтиради. Бу ҳолат бир ой давомида 1 кунда 7 мартадан такрорланади. Эришилган натижалар ижобий баҳоланмоқда: биринчидан она боласини ўз танасининг ҳарорати билан иситса, иккинчидан онада меҳр пайдо бўлиб, сутти кўпайиши, чақалоқ она ҳидини сезиб, унга талпиниши ва унда модда ал-

мактаби эса, 1994 йилдан бошлаб тиббиётга аҳволи оғир ва ой-кунни тўлмайдиган туғилган чақалоқларни алоҳида боқиш ва парвариллашда ўзини оқлаган «Кенгуру» усулини тақдим этди.

— Армонларингиз ҳам борми? — Бир талай. Республикаидаги болалар касалхоналарида чақалоқлар учун 1800 ўринли 72 бўлим, ху-

нада туғиши керак. Туғиш жараёнида нималар бўлмайди, ахир. Борди-ю, она-бола икковини ҳам жароҳлик йўли билан сақлаб қолишга тўғри келсачи? Шундай ҳоллар бўладик, кислород етишмаслиги оқибатида чақалоқ бўғилиб туғилади. Ёки зотилжам, юрак-томир ва нафас қисий, буйрак ва сийдик ажратиш йўллари хасталигига дучор бўлган, шунингдек камқон аёлларда ҳомиладорликнинг ўзи асоратланган бўлади, бинобарин туғиш ҳам мураккаб кечади.

— Армонларингиз ҳам борми?

— Бир талай. Республикаидаги болалар касалхоналарида чақалоқлар учун 1800 ўринли 72 бўлим, ху-

**ФАХРИЙЛАР БОҒ
ЯРАТИШАДИ**



Навоий вилояти уруш ва меҳнат фахрийлари ташкилотлари кенгаши Ғалабанинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш борасида хайрли ишларни амалга оширишмоқда. Бугунги кунда вилоят бўйича 58 минг фахрийлар бўлиб, шулардан 3715 нафари уруш қатнашчилари, 2778 киши фронт орқасида, мамлакат ичкарисида хизмат қилган меҳнат фахрийларидир. Вилоятда 819 уруш йилларида ҳалок бўлганлар оилалари мавжуд.

— Бугунги кунда вилоят ҳокимлиги уруш иштироқчиларини, урушда ҳалок бўлганлар оилаларини ижтимоий муҳофаза этиш, моддий жиҳатдан таъминлаш борасида хайрли ва саховатли ишларни амалга оширишмоқда, — дейди Навоий вилояти уруш ва меҳнат фахрийлари ташкилотлари кенгаши раиси И. Норов, — улар учун дори-дармонлар, телефондан фойдаланиш, дам олиш ва даволаниш учун курорт ва санаторийларга бориш бепул қилиб қўйилган. Бундан ташқари яна бир қатор имтиёзлар берилмоқда. Вилоят ҳокимлиги томонидан 1995 йилда 60 минг сўмга яқин маблағ уруш фахрийларининг республика, вилоят, туман газета ва журналларига обуна бўлиши учун ажратилди. Қариюрлар

кунни, Конституция кунни, Ўзбекистон мустақиллиги байрами кунлари вилоят фахрийлар уюшмаси ташкилотлари пул ва қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланиши. Булар ҳукуматимизнинг уруш иштироқчилари ва урушда ҳалок бўлганлар оилаларига кўрсатаётган қайта ҳурмати, эъзози, албатта.

Навоий вилоятида яшайтган уруш ва меҳнат фахрийлари хайрли ишларда ташаббускор ҳам бўлишмоқда. 1994 йилда Иброҳим ота Норов бошчилигидаги фахрийлар бир ярим миллион дона терак ўтказишди. Шундан 40 минг дона кўчат Сурхондарё вилоятининг Денов туманидан олиб келинган Американинг Калифорния теригидир. Қизилтепа туманининг Зармитан, Нурота туманининг Охунбобоев номли жамоа ху-

жаликларидан ва вилоятнинг бошқа туманларида теракзорлар ташкил қилинди. Ғалабанинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида вилоят фахрийлар кенгаши бу йил «ҳар бир фахрий утгадан мевали, ун-тадан манзарали дарахт эканди» шiori остида иш олиб борапти. Жами бўлиб тўрт миллионга дарахт кўчатларини ўтказиш режалаштирилган. Фахрийлар ташаббуси билан утган йили вилоятда 103 гектар чорбоғ, 38 гектар теракзор барпо қилинди, 10500 тўт, 2700 шотут ўтказилган эди.

Фахрийларнинг ташаббуси билан Навбахор туманининг «Уч тут» жамоа хўжалигида йигирма гектарлик боғ барпо қилиниб, боғда урушда ҳалок бўлганлар хотирасига ҳайкал ўрнатилди ва унга «Ғалабанинг 50 йиллиги» номи берилди. Худди шундай боғ-чорбоғ Навоий шаҳри «Маликработ» посёлкаси «Дустлик» жамоа хўжалигида барпо қилиниб, унга ҳам иккинчи ҳаҳон урушда қазонилган «Ғалабанинг 50 йиллиги» номи берилди.

Жумабой НУРИЛЛАЕВ, «Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.



Ҳадемай халқимиз Ғалабанинг 50 йиллигини кенг байрам қилади. Мазкур санага Асака туманидаги «Асака» ширкатлар уюшмасида ҳам пухта ҳозирлик қўрилмақда. Бу ерда уруш қатнашчиларини улуғлаш, улар ҳолидан хабар олиш яхши анъанаси айланган. Чунки уюшма раиси Тўқайжон Умаров тез-

тез фахрийлар хузурда бўлиб уларга ёрдам беришга ошқанда. СУРАТДА: уюшма раиси Т. Умаров «Жасорат» медали соҳиблари Абдусаттор Қаҳҳоров ва Тўхтасин Расуловлар билан.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

[TANK]

UZ-DAEWOO
ELECTRONICS

"Ўз-дэу ЭЛЕКТРОНИКС" ЎЗБЕК-КОРЕЯ ҚЎШМА
КОРХОНАСИНИНГ 500 КИШИЛИК БАЙНАЛМИНАЛ ЖАМОАСИ
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ МИЛЛИЙ БАЙРАМ -

*НАВРЎ айёми
билан Ён юракдан табриклайди.*

КЎП МИЛЛАТЛИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ОИЛАВИЙ
БАХТ, СОҒЛИҚ, ИШЛАРИДА МУВАФФАҚИЯТЛАР ВА
ТИНЧЛИК ТИЛАБ ҚОЛАДИ.

"Ўз-дэу Электроникс"
қўшма корхонаси жамоаси.

САЛОМ БЎЛСИН САХОВАТЛИ ЙИЛ БОШИГА, САЛОМ БЎЛСИН ЯШИЛ КЎКЛАМ НАВРЎЗИГА

ТАБИАТ ФАРЗАНДИ

Наврўз халқимизнинг қадимий баҳорий удумлари, кўкламни эъзозлаш, сув, олов, тупроқ қуёшга сиғиниш билан боғлиқ маросим ва қадимий эътиқодлар асосида бундан уч ярим-тўрт минг йилча бурун пайдо бўлган умумхалқ байрамидир.

ши ҳам бежиз эмас. Чунки бу байрам олов ва қуёш ҳомиеси, эзгулик рамзи Аша-Ваҳишта сими билан, қиш, совуқ, зулмат билан боғлиқ ёвузликнинг рамзий мағлубияти, баҳор ва ер юзида ҳаётнинг жўш уриши — нурли кунлар галабеси билан алоқадордир.



ҚУТЛУҒ КУН УДУМЛАРИ

Орасидан гап қочган одамларни, уришган эр-хотинларни эл оғалари Наврўз кунини яраштириб қўйишган.

Наврўзда атроф-муҳит ораситаланари, ариқ-зоғурлар тозаланади, ҳовли-боғлар тартибга келтирилади. Кўчалар, майдонлар, ҳовлилар тозаланади.

Наврўз кунини подшолар ёшу ялангларга олиб бериш, эл ичидаги энг муносиб кишиларни тақдирлаган, бандиларнинг гуноҳидан кечган, урушлар тўхтатишган, одамлар бир-бирларининг гуноҳидан кечиб, олам-олам севиниб улашган.

Наврўз кунлари қўши оши пиши-

рилган. Қўши ошлар созланиб, хўкизларнинг шохи мойланган.

Наврўз кунини бўйи етган қизлар бир жойга тўпланишиб, чиройли гулчамбарлар ясашади. Булоқдан кўзаларда сув олиб келиб ичига узук, исирға, танга ташлашган. Кейин қўшиқ, лапарлар остида сувдан чиқазиб олинган нишонлар бахт рамзи деб ҳисобланган.


Сумалак кўпчилик бўлиб тайёрланаркан. Қишдан эсон-омон чиқиб олдик, деб хонадонлардан бир қосадан бугдой йиғиб олинди. Айтишларича бир қозондан таом еганлар бир-бирига қариндошдек яқин бўлиб қолишар экан.

СУМАЛАК — ЎТТИЗ МАЛАК

Сумалак — биби Фотиманинг ошлари экан. Бир кунини у кишининг болалари оч қолибдилар. Овқат пишириб берай десалар, уйларида, қозонга солгудек ҳеч вақо йўқ экан. Ушанда қиш чиқиб, энди кўклам кўкатлари ер бағирлаб бош кўтарган вақт экан.

қилиштириб олинган бир сиқим унни ҳам қўшиб яхшилаб аралаштириб, устидан сув қўйиб, қозон тагига ўт қалабдилар. Бироз қозонни қовлаб ўтиргандан кейин ўғилларига қўшилиб биби Фотима ҳам ухлаб қолибдилар.

Эрталаб уйғониб қарасалар, қозонни ўттизта фаришта қовлаб пишираётган эмиш. Шунинг учун бу таомнинг номи сумалак бўлиб қолган экан. Чунки, сумалак — ўттиз малак деганидир.



ҲАМАЛ КЕЛДИ — АМАЛ КЕЛДИ

Улкамизнинг барча сўлим гўшаларида наврўзи олам тантаналари давом этмоқда. Майсаларнинг ажиб бўйи таралган далага миришкор деҳқонлар барака уруғини қалайга киришдилар. Наврўзда табият уйғонади, деҳқон дилидаги мўл ҳосил тўплаш умидига қанот босиб этилади.

надиган, табият янгилашганидан, янги меҳнат мавсуми бошланганидан ажиб даврда нафақат табият, балки инсон умидлари ҳам кўртакланади, улуғланади. Шу боис аждодларимиз эзгу ният билан бошланганидан деҳқончилик мавсуми баракали бўлишига умид боғлаб, иш бошлашга оdatланганлар.

Анъанага кўра, ўзбек деҳқонининг йилномаси Наврўз тантаналаридан кейин келадиган дастлабки ой-ҳамалдан бошланади. Ҳамал баҳорнинг биринчи ойи бўлиб, оdatда 21 мартдан 21 апрелгача давом этади.

Ҳамал деҳқончиликда ҳал қилувчи давр саналади. Миришкор боғбонлар боғ парварлигини бошлаб юборадилар. Аксарият экинлар ҳам ҳамалда экилади. «Ҳамал кирди, экинларга амал кирди» мақолида ҳам ана шу деҳқончилик амалларига ишора бор.

эшитасиз. Зеро, ҳамалдан олдинги ой — ҳут серёгин келса, далаларда оdatлашган кўпроқ сув тўпланиб қолади, ер лой-балчиққа айланиб деҳқонларга кўп ташвиш келтиради.

Ҳамал ёмири, айниқса, кузги бугдойнинг жони. Ҳаво жўнашиб кетган баҳор кунлари тез-тез ёмир ёғиб турса, лалмига экилган донли экинлар ривож топади.

Маматқул ЖҰРАЕВ, филология фанлари номзоди.

ЖАРЧИЛАР ҚЎШИҒИ

Бор-ҳо, Кел-ҳо, Ҳамалим, ҳа, Амалим, ҳа, Сайил бейда, Тезда етиб кел. Уйнагани кел. Қулагани кел. Тортишгани кел. Беллашгани кел. Келмасанг ҳам кел — о-о-о.

Бор-ҳо, Кел-ҳо, Ҳамалим, ҳа, Амалим, ҳа, Сайил бейда, Тезда етиб кел.

Отда учиб кел. Жойини топиб кел. Сайилни топиб кел. Қуйлагани кел. Сўйлагани кел. Қувнагани кел-о-о.

Жарчилар қичқирар.

ҲО-ҲО — ЛАБ ЧИҚИРАР,

Бор-ҳо, Кел-ҳо, Эшитмадим, деманглар, Эшитганлар кетманглар, Сайил — томоша бошланур, Кўраглар дармонда, Кўрмаганлар армонда, Бор-ҳо, Кел-ҳо...

ДОИРАНИ ЧАЛИНГ, ЖОН МОМО

Доирани чалинг, жон момо Уйинга тушсин қиз бола, Қиз болашине сочига, Ярашибди чўчмома.

Сомса ёдим ялпиздан, Омонлиг-е, сомонлиқ. Юз наврўзини ўтказган, Момолаарга берайлиқ.

Наврўз кунини қизларжон, Усма барган тейрайлиқ, Сочга тақиб гул-маржон, Қошга ўсма қўйлиқ.

ЎЛАНЛАР

Гул наврўз чечасида, Беланчак бор ёр-ёр. Беланчакнинг бошида, Келинчак бор ёр-ёр.

Келинчакнинг йўлига, Гуллар сочай ёр-ёр. Шу наврўзда суйганимга Кўнглим очай ёр-ёр.

Шунда олам мунаввар, Бўлгусидир ёр-ёр. Севинганлар шўх қўнаб, Қулгусидир ёр-ёр.

ҲАЛИНЧАК

Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак Ҳалинчакда келинчак, Салтанатини соғинган, Келинчаклар қўйинчак, Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак, Учвергин келинчак. Кўзга сурма ярашар, Қўш чеккага қўш чечак.

Бойса чопон бичдингми,

ТУШДА АЙРОН ИЧДИНГМИ?

Бойни қўйга жўнатиб, Ҳалинчакда учдингми? Келинчак, ҳо, келинчак, Уйқўнг бўзсин «ишга»лар, Эртамуч кеч беланчак, Олиб келсин янгалар, Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак, Ҳалинчакда келинчак.

ҲЕЙ, ЛОЛА

Лолачага ишим бор, ҳей лола, Киссамда қишмишим бор, ҳей лола, Қишмиш бўлса майлига, ҳей лола, Қиз болада ишим бор, ҳей лола. Том устида пиёла, ҳей лола, Ичи тўла гул бола, ҳей лола, Нарин туринг бўз бола, ҳей лола, Уялади қиз бола, ҳей лола. Том устида нелар бор, ҳей лола, Урдак билан гўзлар бор, ҳей лола, Урдак кетиб гўз қолсин, ҳей лола, Душман кетиб бўст қолсин, ҳей лола. Югур-югур мен турай, ҳей лола, Бошининг гулга ўрай, ҳей лола, Сенга келган балого, ҳей лола, Узим кўноланг бўлай, ҳей лола.

ЎСМИРЛАР БЕЛЛАШИШДИ

Марказий ҳарбий спорт клубининг спорт мажмуида қаратё бўйича Тошкент биринчилиги бўлиб ўтди. Бу очик чемпионат баҳор байрами — Наврўзга бағишланди. Унда Россия, Қозғоғистон ва Тожикистон терма командаларининг вакиллари ҳам иштирок эттиди. Беллашуларда 9 ёшдан 17 ёшгача бўлган 300 нафардан ошқироқ спортчи қатнашди.

Республика давлат спорт қўмитаси, Тошкент қаратё федерацияси тасвие эитган совринлар учун қизгин кураш икки кун давом этди. Кураш асосан шу турдаги спортнинг таниқли усталари — Тошкент ва Қозғоғистон спортчилари орасида қизгин тус олди. Бу терма командалар ўз ҳисобларига турли вазн тоифаларида эришилган бештадан га-лаба ёздилар. Катта ёшдаги спортчилар орасида тошкентлик К. Турақулов билан А. Қаландаров, наманганлик Ш. Усмонов, чимкентлик Н. Саринбеков билан Б. Мардонов яхши натижага эришдилар.

Бош ҳакам — чимкентлик халқроқ тоифадаги ҳакам Н. Абдиқулловнинг фикрича, мусобақа Наманган, Андижон ва Тожикистон спортчиларининг ҳам маҳорати анча ошганини кўрсатди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

(3А).

БАЙРАМОЛДИ ШАНБАЛИГИ

Қаشقларё вилоятининг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз байрами муносабати билан шанбалик ўтказилди. Унда 3469 қорхона, ҳўжалиқ, ташкилот, ўқув юрларидан қириб 472 минг киши иштирок этди.

ишлари амалга оширилди. Ҳиёбонлар, кўчалар тозаланиб, тартибга келтирилди, кўчатлар экилд. Ишлаб чиқариш қорхоналарида 10 миллион 900 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Наврўз ва Маҳалла хайрия жамғармаларига 1 миллион 375 минг сўм пул ўтказилди.

Водийга бу йил кўклам анча кеч келди. Кишининг қаҳри қаттиқ кунлари кўпчиликнинг ёдидан кўтарилмаган бўлса ҳам ариқ лаблабига, уюв чегларига қир-адирларнинг қўшига боғай эрларига шиллик югуриб дилларга иниллик ва қувонч олиб кирди. Кўкламнинг келиши келиши эса ўз-ўзидан «Наврўзи ажан» тантаналарига уланиб кетди.

Бўтун диққат-этибор Наврўзини шарқона тантана даражасида нишонлашга қаратилган, десак муболага бўлмас. Олайки 11 март кунини туман бўйича Наврўзга бағишлаб шанбалик ўтказилди. Меҳнат ҳашаридан тушган 45 минг сўм маблағ ўша кунинг аниқ мақсадларга харажат қилиш учун мажмуи жағғарма фондига ўтказилди.

ЯНА ҚАЙТИБ КЕЛАВЕРАДИ

Туман маркази Яйпан шаҳридаги миллий боғда шу боғча туташ спорт уйингоҳида савдо ва қишлоқ ҳўжалиқ маҳсулотлари эрмаркалари, икч қорхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотлар савдоси уюштирилди, турли шил спорт уйинлари намойиш этилади.

Водий азалдан боғ-роғлар, мевазорлар, ақойиб гўшалар, оромгоҳлари билан эл остига тушган. Фарғоналиклар бу йил ҳам уларнинг ана шу анъаналарига содиқ қолишти.

Утган йили 548 гектар майдонда саноатбоп теракзорлар барпо қилинганди.

Наврўз муносабати билан шу муҳим ишга алоҳида эрур берилгити. Ҳозиргача барпо қилинган теракзорлар 150 гектарга етиб қолди. Бу майдонларга 2 миллион 300 минг тўлдан эиёд терак кўчатлари экилди. 70 гектар майдондаги терак қаламчалари келгуси йили янги плантацияларда кўкча кўни мўзади. Бу майдонларда 5 миллион 600 минг тўлдан эиёд қаламчалар парвартиш қилинмоқда.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи Народное Слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖҰРАБОВ.

БҰЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Қишлоқ ҳўжалиги 32-07-94; Иқтисодиёт 32-36-65; Маънавият 32-35-60; Аxbорот 32-29-89; Туни муҳарририят 33-10-28.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — И. Худобер. Навбатчи — Б. Остонакулов.